

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА

**ОЛАМ МИЛЛИЙ МАНЗАРАСИНИНГ БАДИИЙ ТАРЖИМАДА
ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2017

УДК: 811.512.133'25'362
811.133.1'254362

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ширинова Раима Хакимовна

Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши 3

Shirinoва Raima Khakimovna

Representation of the national picture of the world in literary translation..... 27

Ширинова Раима Хакимовна

Воссоздание национальной картины мира в художественном переводе 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА

**ОЛАМ МИЛЛИЙ МАНЗАРАСИНИНГ БАДИИЙ ТАРЖИМАДА
ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil46 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Дадабоев Ҳамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Холбеков Муҳаммад Нуркасимович
филология фанлари доктори, профессор

Носиров Абдурахим Абдимуталипович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 27.06.2017. Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил “__” _____ даги мажлисида бўлиб ўтади.(Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16 - уй. Тел (99871) 233-45-21; факс (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Фан доктори (DSs) диссертацияси билан Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16 - уй. Тел (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2017 йил “__” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д.,профессор

Қ.Ш.Омонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, филол.ф.д.

Г.Х.Бакиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д.,профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таржимашунослигида бадий асарлар асосида халқларнинг маданияти, тарихи, урф-одати, турмуш тарзи, анъаналари ва миллий қадриятлари билан яқиндан танишиш ҳамда маданиятлардаги универсал ва дифференциал ҳолатларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар кўлами ниҳоятда ортиб бормоқда. Чет тилларидан ўзбек тилига ва, аксинча, ўзбек тилидан чет тилларига таржима қилинган бадий асарларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва улар орқали жаҳон халқларининг умуминсоний, маънавий-маданий қадриятлари ўртасидаги уйғунликни аниқлаш ҳамда ҳар бир тилнинг миллий-маданий хусусиятларини қиёсий ўрганиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданият, санъат ва адабиёт соҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, жаҳон адабиётини ўрганиш, унинг энг нодир намуналарини бевосита ўзбек тилига таржима қилиш ва уларни қиёсий-типологик ҳамда илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш жараёнлари янада кучайди. Айниқса, мазкур соҳада илмий тадқиқотлар самарадорлигининг ошиши, олинган натижаларнинг амалиётга кенг татбиқ этилишида ўсиш динамикаси кузатилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”¹ масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши таржимашунослик соҳасида илмий изланишлар кўлами ҳамда кўрсаткичини янада кўтаришга кенг имкониятлар яратди.

Жаҳон таржимашунослиги илмий мактабларида олам миллий манзараси ва уни таржимада қайта яратиш муаммоларига доир тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида ўзбек тилидан француз тилига таржима қилинган бадий асарлар таржимасида реалиялар (хос сўзлар), фразеологик бирликлар, паремияларнинг таржима тилида ноадекват берилиши, тушириб қолдирилиши ёки русча транслитерациялар орқали ифодаланиши кузатилмоқда. Бу эса ҳар қандай китобхон онгида ўзбекча тафаккур, дунёқараш ва ўзбек менталитетининг номукамал манзарасини пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун эса ҳозирги даврда таржима қилинган асарларни ўрганиш, улар сифат даражасини аниқлаш ва таржиманинг лексикографик муаммоларини бартараф этишга бағишланган тадқиқотларни кўпайтириш ҳамда яратилган ҳар бир асарни қиёсий-илмий тадқиқ қилиш заруратга айланмоқда. Ана

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони./Халқ сўзи, 2017 йил. 8 февраль. –№28 (6722).

шундай ўта муҳим масалаларни атрофлича илмий асосда муҳокама қилиш масаласи мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 2789- сонли, 2017 йил 18 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги ПҚ–2894-сонли Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Бадиий таржимада олам миллий манзарасининг қайта яратилиши, таржима адекватлигини таъминлашда когнитив диссонанс ҳодисаси ва таржиманинг лексикографик муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг қуйидаги етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан, Université de Nanterre, Université Blaise Pascal, Université de Nancy 2, Université de Caen, Université de Rouen, Université de Tours (Франция), Université de Namur (Белгия), Université de Montréal (Канада), National University of Seoul (Жанубий Корея), Москва давлат университети, Тамбов давлат университети, Воронеж давлат университети, Кубань давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Новосибирск давлат университети (Россия), Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Бадиий таржимада олам миллий манзарасининг лисоний омиллари масалалари юзасидан жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: бретон тилидаги мақолларнинг таржима тилида берилиш даражаси аниқланган (Université de Montréal, Canada); метафораларда олам миллий манзараси акс этиши далилланган (Université de Tours, France); замонавий романлар таржимасида лингвокультуремаларнинг берилишига баҳо берилган (Université de Namur,

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ox.ac.uk; disu.edu.ph; www.asu.edu.ru. www.univ-paris.fr; www.univ-rouen.fr; www.univ-denancy2; www.univ-dealicante.fr; www.severinehalimi.free.fr; www.nsu.ru; www.nuuz ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

France); таржима адекватлигини таъминлашда лингвомаданий луғатларнинг муҳимлиги исботланган (Université de Caen, France); мақолларнинг миллий-маданий хусусиятлари очиб берилган (Université Blaise Pascal, France); таржимада адекватликни баҳолашда когнитив диссонанс ҳодисаси ўрганилган (Томск давлат университети, Россия); кино материаллари таржимасида когнитив диссонанс ҳодисасининг келиб чиқиши исбот қилинган (Université Paris 10-Nanterre); таржима жараёнида лисоний-маданий муаммоларнинг ифодаланиш йўллари аниқланган (инглиз, немис ва рус тилидаги материаллар асосида) (Москва давлат лингвистика университети, Россия); рус ва вьетнам паремияларида олам миллий манзарасини акс эттиришда таржимон маҳорати муҳимлиги исботланган (Воронеж давлат университети, Россия); бадий таржимада олам миллий манзараси тил репрезентацияси сифатида ёритилган (Кубань давлат университети, Россия); икки тилли таржима луғатларда маданий ахборотларнинг берилиш зарурати далилланган (Санкт-Петербург давлат университети, Россия).

Бугунги кунда жаҳон таржимашунослигида олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши бўйича қатор, жумладан, таржима асарларининг адекватлик даражасини таъминлаш; ноадекват таржима сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш; олам миллий манзарасининг лисоний омиллари, яъни реалиялар, халқ мақоллари, фразеологик бирликларнинг таржима тилида берилишини қиёсий таҳлил қилиш; таржимада когнитив диссонанс ҳодисасининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, когнитив диссонансни бартараф этиш тамойилларини ишлаб чиқиш; миллий-маданий сўзларнинг таржима луғатларини яратиш каби устивор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таржимашуносликда олам миллий манзараси муаммоси ва унинг назарий тадқиқига бағишланган талқинларни хорижлик олимлар Г.Д.Воскобойник, Я.С.Кимишникова, Ю.А.Карасева, О.А.Корнилов, Э.П.Чакалова, Х.Нгуен, Ж.Муни, И.Коломба, К.Скилбрэд, А.Вазняк, Д.Рингсиог ишларида кўришимиз мумкин¹. Олам миллий манзарасини ўзида акс эттирган лисоний омиллар, яъни реалиялар (хос сўзлар), мақол ва маталлар, фразеологик бирликларнинг бадий таржимада берилиш масалалари И.Кашкин, С.Влахов, С.Флорин, А.Нарзикулов, И.Мирзаев, Ғ.Саломов, М.Холбеков, Р.Файзуллаева каби бир

¹Воскобойник Д.Г. Лингвофилософские основания общей когнитивной теории перевода. Автореф. дисс...док.филол.наук. – Иркутск, 2004; Кимишникова Я.С. Поэтический перевод в свете теории когнитивного диссонанса (на материале переводов стихотворения Р.Киплинга “If”) // Филология. Выпуск 37. –М., 2013; Карасева Ю.А. Художественный текст как источник национально-культурной информации и выразитель национальной ментальности. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –М., 2012; Корнилов О.А. Языковая картина мира как отражение национальных менталитетов. Автореф.дисс...канд.филол.наук. – М., 2000; Чакалова Э.П. Языковая репрезентация национальной картины мира в художественном тексте: на материале английского и русского языков. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Краснодар, 2006; Нгуен Х.Н. Отражение национальной картины мира в русской паремиологии. Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Воронеж, 2011; Mounin G. Les problèmes théoriques de la traduction. –Paris: Edition Gallimard, 1963; Collombat I. Le discours imagé en vulgarisation scientifique: étude comparée du français et anglais, en ligne métaphorik. – Paris, 2003; Skilbred C. Le transfert du culture dans la traduction de Poisson d’or de Le Clézio. Thèse de doctorat. – Hosten,2005; Wozniak A. Peut-on traduire un proverbe. – Paris, 2012; Rînciog D. Histoire et mentalités dans d’oeuvres de Gustave Flaubert. –Paris, 2002. –С.45.

қатор олимлар ишларида ўрганилган¹. Бадиий таржима муаммолари кўплаб ўзбек таржимашунос олимлари учун тадқиқот объекти бўлган². М.Холбеков француз ёзувчиларининг ўзбек тилига таржима қилинган бадиий асарларини қиёсий тадқиқ этди ва ўзбек-француз адабий алоқаларини чуқур ўрганди³. Р.Очилов XX аср француз поэзиясининг анъаналари ва таржималарини тадқиқ этди⁴. Г.Х.Бакиеванинг докторлик диссертациясида олам манзараси тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти ҳамда бадиий матнлар таржимасида тутган ўрни каби масалалар атрофлича тадқиқ этилган⁵. Ҳ.К.Ҳамраев ўзбек ёзувчилари Ойбек ва А.Қахҳор асарларининг французча таржималарида миллий колоритнинг қайта яратилишини ўрганди⁶. Ў.С.Абидходжаева фразеологик бирликлар таржимасининг миллий-прагматик жиҳатларини ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида қиёсий тадқиқ этди⁷. Д.Р.Джуманова русча-ўзбекча лисоний алоқа жараёнидаги реалемаларнинг миллий табиатини ўрганган ва уларнинг тематик парадигмасини тузган⁸.

Бироқ мустақиллик йилларида ўзбек тилидан француз тилига ва француз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган асарларда олам миллий манзараси тил репрезентацияси сифатида махсус қиёсий тадқиқ этилмаган, таржима адекватлигини таъминлашда когнитив диссонанс ҳодисаси ва уни бартараф этиш масалаларига эътибор берилмаган, таржиманинг

¹Кашкин И. Ложный принцип и неприемлемые результаты. –М.,1952; Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. –М.,1980; Нарзикулов А. Французская фразеология и вопросы француско-узбекского художественного перевода. Автореф.дисс...канд.филол.наук.–Л., 1969; Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни, на узбекский язык. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Л., 1975; Саломов Г. Литературные традиции и проблемы художественного перевода (сопоставительный, стилистический и типологический аспекты). Дисс... канд.филол.наук. –Т., 1982; М.Холбеков Французская художественная литература в переводах на узбекский язык (история и переводческий опыт). Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Т.,1982; Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. –Т., 1979.

²Сулаймонова Ф. Роман “Люсьен Левен” и его место в творческом развитии Стендаля. Автореф.дисс...канд.филол. наук. –Л.: ЛГУ; Пулатов Ю. Зарубежная литература в Узбекистане и переводы новелл Ги де Мопассана. Автореф.дисс...канд. филол. наук. –Самарқанд, 1963; Эгамова Я. Асл нусхадаги қахрамонлар образини бадиий таржимада қайта яратиш масалалари. Филол.фан.номз...дис.автореф. –Т., 1974; Жовбўриев М. Бадиий миллий характер ва давр колоритини қайта яратиш. Филол.фан.номз...дис.автореф. –Т., 1991; Исамухамедова Н. Стилистическая адекватность художественного текста (на материале произведений на английском языке и их переводов на русский и узбекский языки). Дисс... канд.филол.наук. –Т., 2007.

³Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в контексте перевода, критики и восприятия). Автореф.дисс...док.филол. наук. –Т., 1991.

⁴Очилов Э. XX аср француз шеърияти ўзбек тилида (таржимада мазмун ва шакл бирлиги масаласи). Филол.фан.номз...дис.автореф. –Т., 1994.

⁵Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Дисс...док.филол.наук. –Т., 1993.

⁶Ҳамраев Х.К. Воссоздание национального колорита произведений узбекской советской прозы во французских переводах (на материале произведений Айбека и А.Каххара) Автореф. дисс...канд.филол.наук. –Т., 1988.

⁷Абидходжаева Ў.С. Национально-прагматический аспект при переводе фразеологических единиц. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Т., 2002.

⁸Джуманова Д.Р. Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели. Филол.фан.док...дисс.автореф. –Т., 2016.

лексикографик муаммолари ечимига бағишланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва улар асосида миллий-маданий сўзларнинг таржима луғатларини яратиш шу вақтга қадар монографик тадқиқотнинг объекти бўлмаган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультетида “Таржима назарияси ва амалиётининг долзарб муаммолари” мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади бадий таржимада олам миллий манзарасининг қайта яратилиши муаммоларини концептуал таҳлил қилиш ва адекват таржима яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таржимашуносликда “олам миллий манзараси” феноменининг фалсафий, миллий-лисоний хусусиятларини асослаш;

“олам миллий манзараси” ҳақидаги назарий талқинларни умумлаштириш ва концептуал хулосага келиш;

бадий таржимада олам миллий манзарасининг компонентлари, яъни реалия (хос сўзлар), фразеологик бирликлар, мақол, маталларнинг таржимада берилишини таҳлил қилиш ва таржима вариантларини таклиф этиш;

асосан мустақиллик йилларида амалга оширилган таржималар таҳлили орқали таржимоннинг “фон” билимлари даражасини аниқлаш;

таржимоннинг билими, дунёқараши ва сўз қўллаш маҳоратига баҳо бериш;

таржимашуносликда диссонанс, консонанс ва когнитив диссонанс терминларини илмий муомалага киритиш заруратини асослаб бериш;

таржимада когнитив диссонанс муаммосининг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва диссонансни камайтириш, айти дамда уни бартараф этиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

адекват таржима яратишда миллий-маданий сўзларни таснифлаш ва унга доир терминологик аппаратни ишлаб чиқиш;

“Миллий-маданий сўзларнинг аудиовизуал луғати” (ўзбекча-французча изоҳ) яратишнинг назарий принципларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ўзбек тилидан француз тилига ва француз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган бадий асарлар таржимасида олам миллий манзараси.

Тадқиқотнинг предмети бадий асарлар таржимасида олам миллий манзарасини қайта яратувчи тил бирликлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий таҳлил, дескриптив, статистик, контекстуал ва компонент таҳлил методлардан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бадий таржимада “олам манзараси” ва “олам миллий манзараси” феноменларининг фалсафий-лисоний моҳияти асосланган;

бадий таржимада реалиялар (хос сўзлар), фразеологик бирликлар ва паремияларнинг адекват берилиши олам миллий манзарасининг яхлитлигини таъминловчи етакчи лисоний восита эканлиги контекстуал-компонент таҳлил методи орқали исботланган;

мутаржимнинг лисоний ва фон билимлари даражаси ҳамда таржимонлик маҳорати таржимон-муаллиф-асар учлиги (триадаси) асосида аниқланиши асослаб берилган;

замонавий таржимашуносликда сонанс, диссонанс, когнитив диссонанс феноменлари лингвистик ҳодиса экани тавсифланиб, таржима жараёнида уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва когнитив диссонанс ҳодисасини бартараф этишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

таржимада аслият оламининг миллий манзарасини адекват яратишда миллий-маданий сўзлар таржимаси муҳимлиги, таржимонлар учун лингвомаданий луғатлар етишмаслиги инобатга олиниб таржима луғатларига маданий ахборотларни тўлиқ киритиш зарурати далилланган;

тадқиқотнинг натижалари, илмий-назарий хулосалари асосида “Миллий-маданий сўзларнинг аудиовизуал луғати”ни яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

реалиялар (хос сўзлар), фразеологик бирликлар, мақол ва маталлар бадий таржимада олам миллий манзарасининг лисоний омили эканлигини исботловчи маъруза матнлари яратилган;

таржима жараёнида таржимоннинг имплицит (яширин) ахборотларни эксплицит (очиқ) ахборотга айлантириш маҳорати таржима адекватлиги кафолати эканлигини исботлаш мақсадида муаллиф томонидан француз ёзувчиси Ле Клезсионинг ҳикоялари таржима қилинган ва нашр эттирилган;

таржимоннинг санъати, маҳорати ва фон билимлари даражасини баҳолаш меъзонлари ишлаб чиқилган;

ўзбек таржимашунослигида диссонанс, когнитив диссонанс терминларини қўллаш тавсия этилган;

таржима жараёнида когнитив диссонанс ҳодисасининг келиб чиқиш сабаблари аниқланган, диссонансни камайтириш ва бартараф этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

таржиманинг лексикографик муаммоларини ҳал этишнинг энг муҳим амалий ечими сифатида “Миллий-маданий сўзларнинг аудиовизуал луғати” яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан, мисолларни мустақиллик йилларида ўзбек адибларининг француз тилига ва француз адибларининг ўзбек тилига таржима қилинган асарларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий ўқув юртлари хорижий филология факультетларида таржима назарияси ва амалиёти, таржиманинг лингвوماданий асослари, лексикография асослари, луғат тузиш принциплари каби фанларнинг маъруза ва семинар машғулотларини илмий-назарий жиҳатдан кучайтириш, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг назарий қисмларини янгича ёндашувлар билан бойитишдаги аҳамияти билан белгиланади. Тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар француз-ўзбек ва ўзбек-француз таржимачилиги муаммоларини тадқиқ қилишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан таржиманинг лексикографик муаммолари ечимига бағишланган миллий-маданий сўзларнинг икки ва кўп тилли изоҳли визуал ва аудиовизуал луғатларини яратишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация материалларидан таржима назарияси ва амалиёти, таржиманинг лингвوماданий асослари, луғат тузиш принциплари каби ўқув курслари учун дастурлар, дарслик, ўқув қўлланмалари тайёрлашда, махсус курс ва семинар машғулотларини ташкил қилишда материал ва услубий қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий таржимада олам миллий манзарасининг қайта яратилиши тадқиқоти бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

ишда муҳокама қилинган айрим масалалар, хусусан, фразеологик бирликлар, ўзбек халқ мақолларининг француз тилида берилиши усуллари чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари (CEFR) асосида яратилган “Француз тили” дарслиги мазмунига сингдирилган (№303-0120). Жорий этилган материаллар миллий-маданий сўзларнинг луғавий ва таржимадаги контекстуал маъносини ўрганишга хизмат қилган;

тадқиқотнинг илмий натижаларидан Франция элчихонаси томонидан ўтказилган халқаро “Франкофония 2015-2016” тадбир доирасида тайёрланган “Interprètes étrangers” (“Чет эллик таржимон”) сахна кўринишларини тайёрлашда амалий фойдаланилган. (Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг 27.03.2017 йилдаги маълумотномаси). Саҳналаштирилган мазкур спектаклда миллий-маданий сўзлар яъни реалиялар, паремиялар, метафораларнинг таржимада берилиши мутаржим поэтик маҳоратини аниқлашга хизмат қилган;

француз халқининг маданияти ва санъати ҳамда миллий кадриятлари, француз оламининг миллий манзараси акс этган илмий маълумотларни ўзбек халқига тақдим этишга доир фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Дунё бўйлаб” туркум кўрсатувларида мунтазам бериб борилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Дунё бўйлаб” телеканалининг 08-14-307 сонли маълумотномаси). Кўрсатувлардаги адабий-илмий материаллар француз халқи маданияти, урф-одати, миллий кадриятлари ва маросимлари тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтиришга муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

тадқиқот натижасида “Миллий-маданий сўзларнинг аудиовизуал луғати” (ўзбекча-французча изох) яратилди (№DGU 04096-2016). Мазкур луғат “Ўзбектуризм” агентлиги қошидаги барча сайёҳлик муассасаларида Ўзбекистонга ташриф буюрувчи сайёҳларга мамлакат тарихи ва маданияти тўғрисидаги маълумотларни етказиб беришда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 11 та халқаро ва 32 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. “Наука и современность-2010” (Новосибирск, 2010) “Язык. Культура. Коммуникация” (Челябинск, 2011), “Usbekisch-deutsche Studien IV. Kontakte: Sprache, Literatur, Kulture, Didaktik” “National Culture and National Colour in Translation (Германия, 2012), “The First Internationale Conference on Food and Culture in Translation” (Италия, 2014), Новое слово в науке: перспективы развития (Чебоксары, 2015), “Научная дискуссия: Вопросы филологии, искусствоведения и культурологии” (Москва, 2015), Journal of Advances in Social Science and Humanities (2016), Science of Europe. (Америка, 2016), European Journal of Humanities and social science (Austria, 2017), “Таржимашунослик муаммолари” (Тошкент, 2017), Бадий таржиманинг лингвопоэтик муаммолари” (Самарқанд, 2012), “Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив, прагматик ва лингвокультурологик аспекти” (Андижон, 2015), “Таржимашуносликнинг долзарб муаммолари (Бухоро, 2016)”, “Филология илмининг долзарб муаммолари” (Қарши, 2017) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 74 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, 1 та луғат, 1 та электрон луғат, 1 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 15 та республика ва 6 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 246 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, ишочлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Таржимада олам миллий манзараси тушунчаси ва унинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида жаҳон ва ўзбек таржимашунослигида “олам манзараси” ва “оламнинг миллий манзараси” каби тушунчаларнинг фалсафий моҳиятига эътибор қаратилиб, “олам манзараси” қадимий тушунча эканлиги илк бор бу атама физика соҳасида Г.Герц, кейинчалик эса И.Кант ва М.Планклар қўллагани тўғрисида маълумотлар келтирилди. Мазкур мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар ўрганилди ва муносабат билдирилди.

Олам миллий манзарасининг когнитив аспекти Е.Кубрякова, В.Демьянков, А.Кравченко, Н.Болдирев, З.Попова, И.Стернин, А.Бабушкинлар, олам миллий манзарасининг лингвомаданий аспекти эса Ю.Степанов, В.Воробьев, В.Карасик, В.Маслова, Г.Слишкинларнинг тадқиқотларида кузатилди. Ўзбек таржимашунослигида, айниқса, бадий таржимада олам миллий манзараси тадқиқига бағишланган махсус тадқиқотлар бўлмаса-да, аммо ҳар бир миллатнинг воқеа, ҳодиса ва предметга ўзига хос миллий муносабатини таржимада беришга доир назарий фикрлар Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, Р.Файзуллаева, Н.Владимилова, И.Мирзаев, М.Холбеков, Г.Бакиева, Д.Джуманова қабиларнинг ишида кузатилди.

Мазкур бобда олимларнинг “олам манзараси” ва “олам миллий манзараси” илмий истилоҳига оид таърифлари кўриб чиқилди ва уларга муносабат билдирилди. А.Иванов “инсонни ўраб турган муҳитда содир бўлаётган нарса ва воқеа-ҳодисаларни, инсон онгида инъикос этилиши”га олам манзараси, деб таъриф беради¹. М.Планк “табиатнинг аниқ қонуниятларини акс эттирувчи олам манзарасини оламнинг физикавий манзараси” деб таъкидлайди². Мазкур феноменнинг фалсафий-илмий таърифлари соҳавий хусусиятларига қараб бироз ўзгариб бориши тўғрисидаги талқинлар ўрганилди. Ушбу бобда таржимашунослик соҳасида олам миллий манзараси ҳақидаги хориж ва ўзбек олимларининг илмий асарлари атрофлича ўрганилди. Э.П.Чакалова олам миллий манзарасининг концептларда ифодаланишини,³ Е.В.Приказчиков ва Е.П.Савченколари рус романларининг инглиз тилидаги таржимасида аслиятдаги метафора, реалия, фразеологизмларни олам миллий манзарасининг асосий элементлари таркибига киритгани⁴, Х.Н.Нгуен паремиологияларга олам миллий манзарасининг элементи сифатида ёндашгани аниқланди⁵. Француз таржимашунос олими Camille Skilbred Ле Клезининг норвег тилига таржима қилинган “Олтин балиқ” романи таржимасини ўрганиб,⁶ таржимон Ragnar

¹Иванов А. Картина мира как феномен отражения действительности. –М., 1962. – С.108.

²Планк М. Единство физической картины мира. –М.: Наука.1996. – С.37.

³Чакалова Э.П.Языковая репрезентация национальной картины мира в художественном тексте: на материале английского и русского языков. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Краснодар, 2006.

⁴Приказчикова Е.В., Савченко Е.П. Особенности воссоздания национальной картины мира при переводе современной российской прозы на английский язык (лингвокогнитивный аспект) // Филологические науки. – Тамбов: Издательство Грамота, 2002. – С.145-148.

⁵Нгуен Х.Н. Отражение национальной картины мира в русской паремиологии (в контрастивных данных паремиологии вьетнамского языка). Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Воронеж, 2011.

⁶Skilbred C. Le transfert du culture dans la traduction de Poisson d’or de Le Clézio. Hosten. –Paris, 2005.

Novlandning француз халкига хос миллий атрибутларнинг таржимада тўла акс этмаганинг сабаби ўша халқларнинг маданий ҳаётидаги тафовутда деб кўрсатди.

Мазкур йўналишда олиб борилган илмий тадқиқотларда бадий таржимада реалиялар (хос сўзлар), паремиялар, фразеологик birlikлар, шунингдек, метафоралар, ранглар, рамзлар, сонларнинг таржима жараёнида тўла қайта акс этирилиши олам миллий манзарасининг яхлитлигини таъминловчи муҳим омил эканлиги аниқланди.

Бадий таржимада олам миллий манзарасининг қайта яратилиши даражасини аниқлаш учун асосан, мустақиллик йилларида ўзбек адабиётидан француз тилига ва француз адабиётидан ўзбек тилига амалга оширилган таржималар қиёсий таҳлил қилиниб, ҳар икки халқ миллий манзарасининг таржимада қайта яратилиши масалалари кўриб чиқилди. Таҳлил қилинган барча бадий матнларда таржимоннинг аслиятдаги миллий манзарани таржимада қайта тиклаш маҳорати кўриб чиқилди. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи (таржимон С.Дюдуагنون), Шукруллонинг “Жавоҳирот сандиғи”, Одил Ёқубовнинг Диёнат (Татьяна Бордан), Саид Аҳмаднинг “Сайланма”, Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романи, “Пақананинг ошиқ кўнгли”, “Аралаш кўрғон” (Ш.Миноваров), Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асарлари (Ш.Холмуродов), француз адибларидан Эмил Золянинг “Аёл бахти” романи (М.Исмоилова), Шарл Луи Монтескьенинг “Форс номалари” (Р.Қиличев, Ҳ.Орзиқулов, Ш.Миноваров), Александр Дюманинг “Икки Диана” (Р.Умматов), Проспер Мерименинг “Маттео Фалконе” новелласи (О.Шарафиддинов, Нурбек) ва Шарл Перронинг бир қатор эртақлари (М.Холбеков, Ш.Миноваров) тадқиқот учун материал бўлиб хизмат қилди.

Бадий асарлар ва уларнинг таржимаси таҳлил қилинганда баъзан мутаржимларнинг ўз таржималарида шарқ менталитетига хос сўзларни француз тилида нотўғри акс этириши, ташлаб кетиши ёки бўлмаса контекстлар таркибида битта сўз бир неча вариантларда берилиши кузатилди. Бундай хилма хиллик кўп ҳолларда китобхонни чалғитибгина қолмай, асарнинг бадий ва эстетик таъсирини сусайтиришга олиб келиши мумкин. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” ва Эркин Аъзамнинг “Шовқин”, “Пақананинг ошиқ кўнгли” ва “Аралаш кўрғон” асарлари таржимасида шундай мисоллар кўзга ташланди. Жумладан, биргина “кундош” лексемаси француз тилида “rivale”, “conjointe”, “concubine” тарзида ўгирилган ва матннинг контекстуал мазмунини акс этиришдан йироқлашган. Тадқиқот доирасида француз адиби Фердинанд Дюшеннинг “Қамар” асарида (таржимон З.Башарий) 22 марта француз тилига “кундош” лексемасини “soérouse” орқали тўғри ифодалаганлигининг гувоҳи бўлинди. Чунки, француз китобхони учун айнан “soérouse” лексемаси тушунарли ва айнан бу сўзнинг бадий-эстетик таъсирчанлиги юқори ҳисобланади. Диссертацияда бундай миллий колоритли сўзларни таржима тилида беришда транслитерация, изоҳлаш ва тасвирий таржима усулларида фойдаланиш ижобий самара бериши кўрсатиб ўтилди. Олиб борилган изланишлардан аён

бўлдики, тил бу маданият маҳсули ва шу билан бирга маданиятни шакллантирувчи омил. Зеро, ҳар қандай маданият тилда намоён бўлади, тилда ўзининг моддий қобиғини топиши билан бирга, атроф-муҳит таъсирида тараққий қилиб, ўзгариб боради. Таржима қилинган бадиий асарлар китобхонга бошқа бир халқ олам миллий манзараси билан танишиш имконини беради. Зеро, “Когнитив тилшунослик учун олам ҳақидаги билимнинг тилда акс этиши ва ушбу билимнинг шаклланишида тилнинг ҳиссаси муҳим”¹ ҳисобланса, бадиий таржимада олам миллий манзарасининг таржима тилида қайта яратишда таржимоннинг лисоний ва нолисоний билими ҳамда маҳорати муҳим саналади.

“Таржимада олам миллий манзарасини қайта яратишда лисоний омиллар масаласи” деб номланган иккинчи бобда таржимашуносликда реалиялар, фразеологик бирликлар, мақол ва маталларга олам миллий манзарасининг элементи сифатида ёндашилди. Бадиий таржима жараёнида ушбу лисоний омиллар таржимада олам миллий манзарасини адекват яратилганлигини кафолатлаши тадқиқот доирасида таҳлил қилинди. Бунда асосан ўзбек олимларидан И.К.Мирзаев, Г.Х.Бакиева, М.Э.Умархўжаев, А.Э.Маматов, М.К.Халикова, А.А.Носировларнинг ишларига таянилди². Ушбу бобда, энг аввало, реалиялар, паремиялар, фразеологик бирликларнинг бадиий таржимадаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган тадқиқотлар муҳокама қилиниб, уларга муносабат билдирилди. Мазкур лисоний омилларнинг бадиий таржима жараёнида олам миллий манзарасини қайта тиклашда муҳим экани мисоллар орқали ёритиб берилди. Таҳлил қилинган қатор асарларда ўзбек халқининг “тўн”, “дўппи”, “белбоғ”, “атлас кўйлак”, “калиш”, “маҳси” каби миллий кийимлари таржима тилидаги реалиялар билан алмаштирилгани, русча транслитерациялар орқали ифодалангани ёки умуман ташлаб кетилгани кузатилди.

Маълумки, мақоллар ҳар бир халқ маданиятининг кўзгуси ҳисобланиб, уларнинг замирида халқнинг урф-одати, удуми, доно қадриятлари, миллат дунёқараши ва миллий манзарасини очиқ берувчи маъно ва мазмун ётади. Тадқиқот доирасида ўзбек адиблари асарларининг француз тилига қилинган таржималарида ва, аксинча, француз адиблари асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималарида мақол ва маталларнинг берилиши қиёсий таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижасида шу нарса аниқландики, ўзбек адиблари

¹Корман А.Е. Фразеологические единицы с анималистическим компонентом в испанском языке: функционально-прагматический и когнитивный аспекты. Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Воронеж, 2007.

²Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни, на узбекский язык. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Л., 1975; Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф.дисс...док филол.наук. –Т.,1993; Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент: Фан, 1983; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологияси шаклланиши масалалари. Филол.фан.док.дисс...автореферати. –Т., 1999; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира. Автореф. дисс...канд.филол.наук. –Т., 1999; Носиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги проverbs фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. Филол.фан.док...дисс.автореферати. –Т., 2016.

француз ёзувчиларига караганда ўз асарларига бадий сайқал бериш ва прагматик таъсирни кучайтириш мақсадида жуда кўп мақоллар ишлатганлар. Албатта, бу шарқ маданиятида халқ тажрибаси ва донологи асосида пайдо бўлган мақолларнинг миллат тарбияси ва камолотида алоҳида ўрин тутганидан далолат беради. Француз ёзувчиларининг ўзбек тилига таржима қилинган асарларида, хусусан, Эмил Золянинг “Аёл бахти” (таржимон М.Исмоилова) романи таржимасида ўзбек халқ мақолларининг ноўрин ва кўп ишлатилиши ўқувчини чалғитибгина қолмай, балки бадий асар қимматининг тушиши ва прагматик таъсирининг сусайишига олиб келган. Ўзбек адиблари асарларининг билвосита таржималарида ўзбек халқ мақоллари сўзма-сўз таржима қилиниб, мақол таркибидаги миллий лексема рус халқининг реалиялари билан алмаштирилиши каби ҳолатлар ҳам аниқланди. Шу ўринда Шукруллонинг “Жавоҳирот сандиғи” асаридан олинган мисолни келтириш мумкин. Аслиятда:

“Халқимизда “аталадан тиш синибди” деган гап бор. Аслида аталадан тиш синмайди, аммо у кимирлаб турган тишнинг тушишига сабаб бўлиши мумкин”¹.

Татьяна Бордан таржимаси:

“On dit chez nous, chez les Ouzbeks, que même en mangeant du kissel on peu se casser une dent. (Mets liquide et sucré à base de jus de fruits”².

Ушбу матнда мақол сўзма-сўз таржима қилиниб, таркибидаги миллий “атала” лексемаси рус тилидаги “кисел” тарзида ифодаланган ва иқтибосда “кисел”га изоҳ берилган. Таржимоннинг реалияларни алмаштириш усулидан фойдалангани мазкур матн таржимасида ўзини оқламаган. Таржимон аслиятдаги мақолни нима сабабдан контекстда берилиш моҳиятини англамаганлиги, унинг контекстуал маъносини тушунмагани учун сўзма-сўз таржима қилиб, француз китобхони тасавурида оламнинг ўзбекона миллий манзараси ҳақидаги тасаввурнинг хиралашувига олиб келган. Ушбу матнда “аталадан тиш синибди, бир тарикқа кўз чиқарму” деган мақол иши юрилмаган, омади кетган, толъесиз кишиларга нисбатан ишлатилган³. Таржимон ушбу мақолнинг француз тилида “Le chien attaque toujours celui qui a les pantalons déchirés” муқобили мавжудлигидан беҳабар экани номуқобил таржимага сабаб бўлган.

Ҳолбуки, таржимон аслиятда берилган мақолларнинг таржима тилида мавжуд муқобилларини излаши, уларни саралаш ва ҳамда муқобили мавжуд бўлмаганларини эса қисқа ва лўнда изоҳлар орқали ифодалаш лозим эди. Ўрганилган материаллар асосида ўзбек халқ мақолларининг французча муқобили борлиги аниқланди ҳамда таржима вариантлари таклиф қилинди. Бобда фразеологик бирликларга ҳам олам миллий манзараси унсури сифатида ёндашилди ва уларга доир назарий-қиёсий таҳлиллар олиб борилди. Диссертацияда бадий таржимада фразеологик бирликларнинг

¹Шукрулло. Сайланма. 3 Жилдлик. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. –Б.7.

²Lettres soviétiques. – М., 1982, №279. –Р.64.

³Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. –Т.: Ўзбек Миллий энциклопедияси, 2001. –Б.20.

нотўғри берилиши бир қанча бадий асарлардан олинган мисолларда таҳлил қилинган. Бунга француз ёзувчиси Эмил Золянинг “Аёл бахти” асаридан олинган қуйидаги таржима таҳлили мисол бўлади. Аслиятда:

“Cinq ou six femmes vêtues de robes de soie, très coquettes avec leurs chignons frisés et leurs crinolines rejetées en arrière, s’y agitaient en causant. Une, grande et mince, la tête trop longue, ayant une allure de cheval échappé, s’était adossée à une armoire, comme brisée déjà de fatigue”¹.

Восита таржима:

“Пять-шесть женщин, одетых в шелковые платья и имевших весьма кокетливый вид благодаря завитым шиньонам и приподнятым сзади кринолинам, суетились здесь, перебрасываясь отрывистыми фразами. Одна из них, высокая и худая, с непомерно длинным лицом и поступью вырвавшейся на волю лошади, прислонилась к шкафу, словно изнемогая от усталости”².

Муҳаббат Исмоилова таржимаси:

“Бу ерда матодан тикилган кўйлак кийган, жингалак қилинган улама соч ва узун юбкалари таъсирида башанг кийингандек кўринаётган беш-олтита аёл ўзаро гаплашганча алланималар қилишарди. Улардан бири, баланд бўйли, озғин, отюзли аёл худди қаттиқ чарчагандан нима қилишни билмаётгандек, шкафга суяниб турарди”³.

Таржимон рус тилидаги “с непомерно длинным лицом и поступью вырвавшейся на волю лошади” жумласини “баланд бўйли, озғин, отюзли аёл худди қаттиқ чарчагандан” тарзида ўгирган. Аслиятдаги “la tête trop longue” (узунчоқ бош) рус тилидаги “длинным лицом” (узунчоқ юз) ўзбек тилига “отюзли аёл” тарзида ўгирилган. Француз тилида “une allure de cheval échappée” ибораси жуда чарчаганда судралиб, сулайиб қолган вазиятни ифодалаш учун ишлатилади. Таржимада чарчаганда юришга ҳам мадори йўқ аёлнинг ҳолати мутаржим “хизмати” эвазига “отюзли аёлга” айланиб қолган. Ўзбек тилидаги бадий асарларда ушбу ҳолат ифодаси учун қандай ибора ишлатилиш мумкинлигини аниқлашга ҳаракат қилинди ва Эркин Аъзамнинг “Пақананинг ошиқ кўнгли” асаридан таржимон Пақананинг ҳаддан ташқари чарчаган ҳолатини “Атиги бир соатлик меҳнатдан Пакана паккага етган улоқчи отдек сулайиб, ҳозиргина Сафсар ўтирган қулай сават курсига чўзилиб қолди”⁴ тарзида ифодаланиши аниқланди. Худди шундай мисоллар тадқиқот жараёнида батафсил кўриб чиқилди, ноадекват берилган реаллар, мақол ва фразеологик ибораларнинг таржима тилида мавжуд муқобиллари борлиги аниқланиб, таржима вариантлари таклиф этилди. Шу билан бирга икки ва кўп тилли ўзбек-француз халқ мақоллари луғатини яратиш ғояси илгари сурилди. Бундай амалий тавсия ва таклифлар келажакда ўзбек адаблари асарларини француз тилига таржима қилишда миллий-маданий лексикага доир камчиликларни тузатишга, миллий колоритли сўзлар

¹Emile Zola. Au bonheur des Dames. Bibliothèque électronique du Québec. –Canada, 2001. –P.107.

²Эмил Золя. Дамское счастье. Бесплатная электронная библиотека. Royallib.ru / 1883.–С.28.

³Эмил Золя. Аёл бахти. –Т.: Янги аср авлоди, 2015. –Б.71.

⁴Эркин Аъзам. Пақананинг ошиқ кўнгли. –Т., 2001. –Б. 67.

қоришиб кетишининг олдини олишга, шунингдек, адекват таржималар яратишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Олам миллий манзарасини бадий таржимада қайта яратишда когнитив диссонанс ҳодисаси”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда таржимашуносликда “сонанс”, “диссонанс” ва “консонанс” феноменларининг илмий-фалсафий моҳияти ўрганилди. Бу феноменнинг таърифи ва мазмун-моҳияти ҳар бир соҳанинг хусусиятидан келиб чиқиб ўзгариши исботланди. Мазкур атама илк бор француз мусиқашунослигида Жодел Этиен¹ (1380), кейинчалик руҳшуносликда Луи Фестингер² (1957) томонидан фанга олиб кирилгани аниқланди. А.Н.Чудинов, В.И.Даль, С.И.Ожегов, Н.Ю.Шведов, С.Н.Южаковлар томонидан яратилган луғатларда “диссонанс” феноменига берилган изоҳлар қийинчиликлари ва улар асосида мусиқада диссонанс “товушлардаги номутаносиблик”, “мусиқадаги шовқин, тушунарсиз куй”, “бўғин, товуш ва сўзлардаги номувофиқлик”, “мусиқа тинглаш жараёнида сўзларнинг ғализ, тушунарсиз эшитилиши, куйланиши”, “куйнинг номусиқавий эшитилиши” тарзида ифодаланганлиги аниқланди³. Дастлаб, бу ҳодиса мусиқа ихлосмандларида мусиқадан қониқмаслик ҳолатини (диссонанс) келтириб чиқарган бўлса кейинчалик, руҳшуносликда билимлар тизимидаги номутаносиблик, қониқмаслик ҳолатини юзага келтирган. Америкалик руҳшунос Л.Фестингер инсон психологиясидаги турли рухий, мантиқий, ғайримантиқий ҳолатларни кузатади ва инсон билимлари тизимидаги номувофиқликни “когнитив диссонанс” ҳолати, деб изоҳлайди. Шунингдек, у “номутаносиблик”ни “диссонанс”, “мутаносиблик”ни эса “консонанс” деб атайди⁴. Хуллас, когнитив диссонанс назариясининг асосини билим тизимидаги номутаносиблик, номуқобиллик ташкил этади. Айнан мана шу охириги таърифлар илмий жиҳатдан ҳолис (нейтрал) бўлиб, когнитив диссонанс билим тизимидаги номутаносиблик деган таърифга мос келади. Тадқиқот доирасида “Таржима назарияси ва амалиёти” ҳамда “Таржиманинг лингвумаданий асослари” фанларининг ўқув машғулотларида диссонанс ҳолатини келтириб чиқарган контекстларни ҳар бир реципиент қандай тушуниши ва қабул қилиши синондан ўтказилди. Аксарият ҳолларда, таржимада ноўрин қўлланилган реалаялар, мақоллар, метафоралар, фразеологик бирликлар китобхонларда когнитив диссонанс, яъни матндан қониқмаслик ҳолатини келтириб чиқаргани кузатилди.

Мазкур бобда адекват таржималарни аниқлашда когнитив диссонанс назариясининг ўрни ва аҳамиятига урғу берилди. Таржимада когнитив диссонансни бартараф этишдан аввал унинг келиб чиқиш сабабларини

¹Etienne J. Deux effets etrangement divers formes et fonctions de la dissonance dans Les Amours et les Contr' Amours de'Etienne – Université Stendhal (Grenoble 3), 2009. –P.221.

²Festinger L. A. Theory of cognitive dissonance, –Stanford: University Press, 1957.

³Чудинов А.Н. Словарь иностранных слов русского языка. –Санкт-Петербург, 2-изд.1894; Даль В.И. Толковый словарь.1863. Books.ru; Ожегов С.И., Шведова Н.Ю.Толковый словарь русского языка. – М.:Азъ. 1992; Южаков С.Н. Большой Энциклопедический словарь. 2-е изд. – М.,1992.

⁴Festinger L.A. Theory of cognitive dissonance. –Stanford: University Press, 1957.

аниқлаб олиш заруратига эътибор қаратилди. Бадиий асарлар таржимасида кузатилган когнитив диссонанс ҳодисаси 4 гуруҳга бўлиб таснифланди, уларнинг келиб чиқиш сабаблари асарлардан олинган мисоллар билан асосланди. Улар:

- 1) билвосита таржималарда когнитив диссонанс ҳодисаси;
- 2) таржима матнига қўшимча сўз қўшилганда содир бўлган диссонанс;
- 3) реалияларнинг қоришиб кетиши натижасида содир бўлган диссонанс;
- 4) фразеологик бирликликлар таржимасида когнитив диссонанс ҳодисаларидан иборат.

Бу жараёнда когнитив диссонанс ҳодисасини бартараф этишда таржимоннинг фон билимларининг муҳимлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланди. Билвосита таржима оқибатида содир бўлган диссонанс ҳолатига француз адиби Александр Дюманинг “Икки Диана” романидан мисол келтирамиз.

Аслиятда:

“La prise de Campli nous a ravitaillés quelques peu, et si, dans une heure s’ici, j’entrair dans la tente de chacun de vous, messieurs, je gage que j’y trouverais un bon souper servi, et à la table avec vous, une pauvre veuve ou une jolie orpheline de Campli que vous seriez en train de consoler. Allez donc vous entretenir le goût, je vous manderai pour chercher avec vous les moyens d’entamer ce pain de sucre de Civietta. Jusqu’à là, aller, messieurs, bon appétit et bonne nuit”¹.

Ю.Данилин таржимаси:

“Взятие Кампли несколько пополнило наши запасы, и, если бы хороший ужин на столе. Идите же лакомиться, господа, я не задерживаю вас. Завтра на рассвете я приглашу вас, и мы сообща обсудим, с какого боку надгрызть этот сладкий пирог, Чивтеллу. А до тех пор вы свободны, господа. Хорошего вам аппетита и спокойной ночи!”².

М.Исмоилова таржимаси:

“Айниқса, Кампли забт этилгач, анчагина бойиб қолдик; агарда, ярим соатдан сўнг ҳар бирингиз турган чодирга мўралагундай бўлсам, ишончим комилки, кечки дастурхонингизда “сен же, мен же” зиёфатини кўриб қувонаман. Бўпти, жаноблар, боринг, ўша ноз-неъматларга тўйинг, ортиқ вақтингизни олмайман, Чивителла деган мойли ва тотли патирнинг қай тарафига оғиз солишни эса тонг чоғи маслаҳатлашиб, ҳамкорликда ҳал этамиз. Унгача бўшсизлар, сизларга ёқимли иштаҳа ва хайрли тун, жаноблар!”³.

Аслият, билвосита ва бевосита таржима қиёсланганда рус таржимони француз тилидаги “pain de sucre” ни “головка сахара”, яъни “калла қанд” эканини англамагани учун уни рус тилига “сладкий пирог” деб ўгирган, натижада ўзбек таржимони эса матннинг мазмунини янада миллийлаштириб “Чивителла деган мойли ва тотли патир” тарзида берган. Агар таржимон аслиятдаги “калла қанд” тўғрисидаги маданий тағ маъноли ахборотнинг

¹Alexandre Dumas. Les deux Dianes. –Paris: Le Joyeux Roger, 2007. –P.29.

²Александр Дюма. Две Дианы. –Ташкент: Издательство Гафур Гуляма, 1991. –С.16.

³Александр Дюма. Икки Диана. –Т.: Янги аср авлоди, 2016. –Б.26.

моҳиятини англаганида ва сўзма-сўз таржимадан қочганида аслиятдан узоқлашмаган бўларди. Аслида матнда герцог де Гиз ўз зобитларига “je vous manderai pour chercher avec vous les moyens d’entamer ce pain de sucre de Civietta” жумласини айтганида Италиянинг Венеция вилоятида, Алп тоғининг этагида жойлашган баландлиги 3220 метрли Чивьетта қоясидан ҳужум бошлашга ишора қилган эди. Чивьетта кўриниши жиҳатидан жуда баланд ва чеккалари ўткир, паст баланд нотекист шаклдаги қоя. Герцог де Гиз “le pain de sucre de Civietta” деганида Чивьеттанинг қайси томонидан ҳужум қилишни “қанднинг қайси томонидан кемиришни бошлашни” назарда тутган. Таржиманинг “коса тагида нимкосаларни” тушунмаган таржимон умуман терс таржимани амалга оширган ва оқибатда ўзбек таржимони ҳам шунга ўхшаган хатони такрорлашига олиб келган.

Аслиятда берилган реалиялар таржима тилида мавжуд реалиялар билан алмаштирилганда ҳам асарни ўқиган китобхонда когнитив диссонанс ҳолати пайдо бўлади. Масалан француз халқ эртагида “бешик тўйи” маросимининг учраши ҳам ўзбек китобхонининг когнитив диссонанс ҳолатига тушишига сабаб бўлади. Масалан, аслиятда:

“On a fait un beau baptême, on a donné pour marraine à la petite princesse sept fées qu’on a trouvées dans le pays, afin que chaque fée donnât un don à l’enfant”¹.

Ш.Миноваров таржимаси:

”Қирол каттакон бешик тўйи қилибди, бешик тўйига мамлакатдаги барча сеҳргар париларни таклиф қилибдилар”².

М.Холбеков таржимаси:

“Подшо севинганидан эл-юртни йиғиб тўй қилиб берибди. Қизалокқа исм қуйиш маросимида иштирок қилсин деб, етти иқлимдан етти сеҳргарни таклиф этибди”³.

Юқоридаги биринчи вариантда таржимон аслиятдаги “un beau baptême” ни “бешик тўйи” (Ш. Миноваров) деб бериб миллийлаштиришга ҳаракат қилган бўлса, иккинчи вариантда эса “тўй” (М. Холбеков) деб бериб нейтралликка эришилган. Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келиндикки, аслият тили билан таржима тилидаги реалияларни бир-бири билан алмаштириш, уларни қориштириб юбориш реципиентни когнитив диссонанс ҳолатига тушишига сабаб бўлади.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби “**Таржиманинг лексикографик муаммолари ва замонавий таржима луғатларини яратиш масалалари**” деб номланган бўлиб, унда миллий-маданий сўзларнинг икки тилли таржима луғатларига тўлиқ киритилмагани ва айрим сўзлар ғализ таржима қилингани, бундай луғатларнинг етишмаслиги таржимонлар фаолиятида сезилиши фактлар орқали асосланди. Айниқса, хориж олимларининг мазкур соҳадаги бой тажрибаси келажакда икки тилли миллий-маданий сўзларнинг изоҳли луғатини яратишга асос бўлди. Француз луғатшуноси Ален Рей, Берт Лигнен,

¹Les contes de Perraut. – Paris, 1968. –P.16.

²Перро Ш. Она ғоз эртаклари. –Тошкент, 2000. –Б.32.

³Шарл Перро. Жаноб Сегеннинг эчкиси. –Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б.21.

Р.Галиссон, Ж.Прувост, рус тилшунослари Ю.Н.Караулов, Ю.С.Степанов, В.П.Селегейларнинг ишлари ушбу йўналишдаги муҳим тадқиқотлар сирасига киради¹. Ален Рей муайян халққа хос сўзларни тузишда уларни “маданий сўзлар” деб атаган бўлса, унинг ватандошлари Роберт Галиссон ва Жан Прувостлар луғатларда миллий-маданий сўзларни бериш соҳасини “лингвокультурография” ва халқлар маданиятига хос сўзларни эса “лексиколтура” деб номлаган².

Е.И.Архипова ўз тадқиқотида англо-американча этномаданий сўзларнинг замонавий луғатларда берилиш тамойиллари, концептлар ҳамда луғатларда берилган маданий ахборотларнинг мукамаллик даражаларини ўрганди³. Олим D.Sumменинг «Logman Dictionary of English Language and Culture» луғатида этномаданий сўзларнинг берилишига эътибор қаратилган бўлиб, мазкур луғатда миллий-маданий сўзларни беришда бешта тамойилга амал қилинган. Яъни:1) изоҳлаш; 2) қисқартма ва шартли белгилар; 3) транскрипция; 4) иллюстрация; 5) этимология.

Ўзбек лексикографиясида таржиманинг лексикографик муаммолари юзасидан махсус фундаментал тадқиқотлар олиб борилмаган бўлса-да, аммо бу борада М.Э.Умархўжаевнинг “Основы фразеологии”⁴ китобини ва Ф.Салимованинг илмий тадқиқотини келтириб ўтиш ўринли. Ф.Салимова Паве де Куртейлнинг “Шарқ ва турк тиллари луғати” ни ҳамда “Бобурнома” таржимасини қиёсий ўрганар экан, асар таржимасининг адекватлигини таъминлаш омилларида бири бу таржима луғатлари яратиш ишларига жиддий эътибор зарурлигини таъкидлайди⁵.

Диссертацияда хориж олимлари амалга оширган назарий ва амалий ишлар ўрганилиб, улар асосида “Миллий-маданий сўзларнинг ўзбекча-французча визуал луғати” ва “Миллий-маданий сўзларнинг ўзбекча-французча аудиовизуал луғати” яратилди. Ушбу луғатни яратишда шу кунга қадар амалга оширилган таржималарда миллий-маданий сўзларнинг нотўғри берилганлиги тўртки бўлди. Масалан, Одил Ёқубов “Диёнат” романининг таржимасида ўзбек халқининг миллий ҳозиржавоблик санъатига асосланган

¹Alain Rey. Dictionnaire culturel en langue française. –Paris: Edition Robert, 2004 ; Bert Lignen. Les informations culturelles dans les dictionnaires d’apprentissage. –Paris., 2004. –P.39; Galisson Robert. La pragmatique lexiculturelle pour accéder autrement, à une culture, par une autre lexique. Mélanges Crapel n^o 25. 2000; Jean Pruvost. Recherches sur les dictionnaires onomasiologiques français/sous la dir. Bernard Quemada. –Paris, 1981; Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности: послесловие // Русский ассоциативный словарь: в 2-х т. М.: Астрель; АСТ, 2002; Степанов Ю.С. Костнаны, Слов русской культуры. –М., 2004; Селегей В.П. Электронные словари и компьютерная лексикография//AINEWS. Новости искусственного интеллекта. 2001.№1 (49). Электронный документ: http://www.lingvoda.ru/transforum/articles/pdf/selegey_a1.pdf.

²Galisson R. La pragmatique lexiculturelle pour accéder autrement, à une culture, par une autre lexique. Mélanges Crapel n^o 25. –Paris, 2000; Pruvost J. Recherche sur les dictionnaires onomasiologique français. –Paris,1981.

³Архипова Е.И. Этнокультурные коллокации в лексикографическом аспекте (на русском и англо-американском языковом материале). Автореф.дисс...док.филол.наук. –Кемерово, 2016.

⁴Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент: Фан, 1983. – 132 с.

⁵Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики “Восточно-тюркского словаря” Паве де Куртейла и переводов “Бобурнаме”. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Т., 1997.

“аския” айтишуви француз тилига “масхара қилмоқ, устидан кулмоқ” тарзида ўғирилган. Х.Тўхтабоевнинг “Сехрли қалпоқча” эртагида “чиллак” ўйини “бошқа ўйинлар” яъни, “d’autres jeux” тарзида берилган. Шарл Луи Монтескьенинг “Форс номалари” асарида “enterrements” – “кўмиш, дафн маросими” сўзи ўзбек тилига “жаноза”, “la naissance” – “бешик тўйи” деб таржима қилинган. Шарл Перронинг “Она ғоз эртаклари”да эса “бешик тўйи”, “хонтахта”, “ковурдоқ” каби миллий лексемаларнинг учраши ҳам рецепторни когнитив диссонанс ҳолатига тушуриб қўйганлиги олиб борилган тажриба-синовлардан аниқланди.

Миллий-маданий сўзларнинг изоҳли, икки ва кўп тилли таржима луғатларини яратишга бағишланган илмий тадқиқотлар ва назарий ҳамда амалий маълумотлар шуни кўрсатадики, луғатларни тузишда қоидалар барча сўзлар учун умумий бўлса-да, миллий маданиятимизга хос сўзларнинг шарҳи, изоҳланиш қоидалари анча мураккаб ва масъулиятли жараён. Аксарият ҳолларда луғатларга киритиладиган бундай сўзлар махсус кўрсатмалар асосида ёритилган. Шунинг учун ҳам миллий-маданий сўзларнинг шарҳини тўғри бериш чуқур ва аниқ филологик таҳлиллар олиб боришни тақозо этади.

Замонавий фан ва таълимни луғатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, бугунги кунда луғатларнинг янги авлоди, яъни электрон луғатлар, овозли луғатлар, визуал луғатлар, автомат таржима луғатлари каби бир қанча луғатлар яратилмоқда. Эстер Дюран тил ўрганишда интернет ва аудиовизуал материаллардан фойдаланишнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатларини санаб ўтар экан, миллатлар ўртасидаги маданий хилма-хилликни тушуниш ва уни тўғри қабул қилишда аудиовизуал луғатларнинг ўрни беқиёс эканини алоҳида таъкидлайди. Бугунги кунда ушбу қоидалар инкор этилмаган ҳолда янги имкониятлар тақдим қилинмоқда. XX аср аввалида шаклланган расмли энциклопедик луғатлар бугунги кунга келиб “визуал” янги авлод луғатларининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди¹. Бу эса тил ўрганувчи ҳамда луғатлардан фойланувчилар учун қўшимча имкониятлар яратиб, тушуниш ва тасаввур қилиш қийин бўлган сўзларнинг тасвирий ифодасини луғатларда акс эттиради.

Бугунги кунда ўзбек лексикографиясида миллий-маданий сўзларнинг изоҳли визуал икки тилли луғатлари мавжуд эмас. Ўзбек халқининг миллий маданиятига хос сўзнинг таржимаси, тасвири, ўқилиши ва таҳлилини қамраб оладиган бундай луғатни тузилишига кўра “аудиовизуал луғатлар” қаторига киритиш мумкин. Аудиовизуал луғатлар мавзу кўлами, сўзлардаги чуқур илмий таҳлил-шарҳ, тасвирий ифода, шунингдек, талаффуз қоидалари билан таъминлангани билан бошқа луғатлардан ажралиб туради. Таржимадаги лингвомаданий муаммоларни ҳал этишда аудиовизуал луғатлар муҳим аҳамият касб этибгина қолмай, таржимоннинг меҳнатини енгиллаштириш ҳамда таржима сифатини яхшилашга хизмат қилади. Зеро, айнан таржимада

¹Jean Claude Corbeil., Ariane Archambault. Le Nouveau Dictionnaire visuel, version électronique, –Montréal, Canada, 2004.

баъзи хатоликлар, яъни ўзбек миллатининг ўзига хос жиҳатларини очиб берувчи сўзлар хорижий тилларга нотўғри ўгирилгани кузатилади. Бундай сўзларни чет тилида бериш учун илмий-назарий тамойил асосида замонавий талабларга мос келувчи махсус луғат яратиш зарур. Ушбу тадқиқот доирасида таржиманинг лексикографик муаммолари муайян даражада ўз ечимини топди. Юқорида таҳлил этилган аудиовизуал луғатлар ҳамда луғатларнинг компьютер дастури сифатида келтирилган намуналарида кузатилган камчиликларни инобатга олган ҳолда луғат тузиш ишлари 4 босқичда олиб борилди. Яъни:

- 1) таҳлилий-назарий босқич;
- 2) амалий босқич;
- 3) техник босқич;
- 4) тажриба-синов босқич.

Луғатнинг таркибий қурилмаси қуйидаги тамойилларга асосланиб яратилди:

- ўзбек миллий маданиятига хос сўзлар жамланиб, маъно-моҳиятига кўра гуруҳлаб чиқилди;

- гуруҳланган сўзлар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг этимологик луғати”, тарихий ҳамда маҳаллий манбалар (асарларда учрайдиган ёзма манбаларда келтирилмаган баъзи миллий-маданий сўзлар) асосида шарҳланди;

- ўзбек тилида берилган шарҳлар француз тилига таржима қилинди ва луғатга киритилди;

- луғатга киритилган ўзбек миллий маданиятига хос ҳар бир предмет ва тушунча француз тилида транскрипция ва транслитерация асосида берилди;

- сўз шарҳига аниқлик киритиш, тасаввур ҳосил қилиш мақсадида уларнинг рангли тасвири жойлаштирилди;

- луғатда сўзларнинг қисқача грамматик (род ва сон) категориялари ҳам берилди;

- ҳар бир сўзнинг айтилиши аудио тасмага ёзилиб, дастурловчи мутахассислар билан ҳамкорликда электрон луғат яратилди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек луғатшунослиги тарихида миллий-маданий сўзларнинг хорижий тилдаги шарҳи билан берилган бундай аудиовизуал луғат мавжуд эмас. Мазкур миллий-маданий сўзларнинг аудиовизуал луғати Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультети француз филологияси кафедрасида халқаро ҳамкорлик доирасида фаолият олиб борган Франсуа Раблье номидаги Тур университети ўқитувчиси Жанатан Ле Конт билан ҳамкорликда аудиоматнлар ёзиб олинди. Артуа университети ўқитувчиси Камий Лаураен француз тилидаги матн таҳрир этилди. Миллий-маданий сўзларнинг ўқилиши аудиотасмага туширилиб, дастурлаштирилди. Ушбу аудиовизуал луғат ўзбек лексикографияси ва таржимашунослигида илк бор ишлаб чиқилган мультимедиа луғат турларидан ҳисобланади. Келажакда бу луғатнинг тузилиши, ҳажмини қуйидаги тамойиллар ва қўшимчалар асосида кенгайтириш кўзда тутилади:

- 1) миллий қўшиқлар (маҳаллий қўшиқлар);

- 2) миллий ва маҳаллий рақслар;
- 3) миллий ва маҳаллий таомлар;
- 4) миллий ва маҳаллий маросимлар;
- 5) фауна ва флора;
- б) рамз ва ранглар тўғрисидаги маданий маълумотлар.

Шу билан бирга миллий-маданий сўзларнинг ички хусусиятларидан келиб чиқиб, луғатга уларнинг тўлиқ этимологиясини киритиш мумкин. Чунки таржиманинг лексикографик муаммолари ва ечими бу алоҳида мавзу бўлгани учун бошқа махсус тадқиқотни талаб этади. Даставвал айтиб ўтганимиздек, луғатнинг бадиий асослари ҳам мавжуд бўлиб, аудиовизуал луғатнинг тўлиқ шаклланган намунасида берилган миллий-маданий сўзлар таржима асарларидан келтирилган мисоллар ёрдамида шакллантирилди. Бунда, албатта, мисолларнинг энг тўғри ва таржима қонуниятларига мувофиқ келувчи варианты назарда тутилди.

Шундай экан, мазкур диссертация таржиманинг лексикографик масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларни кўпайтириш, таржимонлар учун махсус таржима луғатлари яратиш каби вазифаларни ҳал қилишдаги бўшлиқни тўлдириш имконини яратади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур луғатни кўп тилли лингвомаданий таржима луғатига айлантириш мумкин.

ХУЛОСА

1. Тилшунос олимларнинг “оламнинг миллий манзараси” феномени тўғрисидаги илмий-назарий фикрларини таҳлил қилиш қўйидаги концептуал таърифни беришга имкон яратди: “олам миллий манзараси – ҳар бир миллат вакили ёки индивиднинг уни қуршаб турган борлиқдаги предмет, тушунча ҳамда воқеа-ҳодисаларга нисбатан миллий-хусусий муносабатларининг онда инъикос этилишидир”.

2. “Олам миллий манзараси” феноменининг миллий-лисоний хусусиятлари таржима матнларида фразеологик ва паремиологик бирликлар ҳамда реалияларни (хос сўзлар) адекват тарзда ўгириш билан белгиланади.

3. Мустақиллик даврида амалга оширилган бадиий асарлар таржимасида миллий-маданий сўзларнинг русча транслитерация орқали берилиши, ташлаб кетилиши ёки бўлмаса таржима тилидаги реалиялар (хос сўзлар) билан қориштириб юборилиши кузатилди.

4. Таржимоннинг фон билимлари даражаси ўзбек тилидан француз тилига, аксинча, француз тилидан ўзбек тилига ўгирилган бадиий асарлар таржимасида унинг аслият тилида сўзловчи халқнинг тарихи, географияси, маданияти, урф-одати, кундалик турмуш тарзидан нечоғлик хабардор бўлиши билан баҳоланади.

5. Таржимоннинг маҳорати, санъати ва малакасини қўйидаги меъзонлар билан баҳолаш мумкин:

а) таржимоннинг таржимон-муаллиф-асар учлиги (триадаси) асосида таржима асарини танлай олиш маҳоратига эгаллиги;

б) таржимоннинг фон билимлари даражаси юқорилиги ва миллий-маданий ахборотлардан тўлиқ хабардорлиги;

в) таржимоннинг дунёқараши кенглиги, бадий-эстетик, руҳий “сезгирлиги” ва “синчковлик” иқтидорига эга эканлиги;

г) таржимоннинг “сўз қўллаш” ва “яратувчанлик” маҳоратига эгаллиги.

6. Мақол ва маталлар, фразеологик бирликларнинг адекват берилиши миллий-маданий элементлар сифатида уларнинг таржима тилида тенг қийматли муқобилини топиш, монанд муқобилларини излаш, ҳамда тил бирликларининг маъновий нозикликларини танлаш имконини беради.

7. Ҳар икки халқ мақоллари таржимасига оид долзарб масалаларнинг ечимларидан бири сифатида француз халқ мақолларининг ўзбек тилидаги ва ўзбек халқ мақолларининг француз тилидаги муқобилларини ўзида қамраб олган икки тилли мақоллар луғати яратиш юзасидан махсус концептуал тавсиялар илгари сурилди.

8. Когнитив диссонанс адекват таржималарни саралаш ва аниқлашда муҳим ўрин эгаллайди. Бадий асарлар таржимасида аслият оламининг миллий манзарасини қайта яратиш жараёнида қўйидаги 4 омил когнитив диссонансни келтириб чиқаришга сабаб бўлиши аниқланди. Булар, билвосита таржима оқибатида содир бўлган диссонанс, реалияларнинг қоришиб кетиши натижасида содир бўлган когнитив диссонанс, фразеологик бирликларнинг ноадекват берилиши ва таржимада янги когнитив унсурларни ноўрин қўлланиши натижасида содир бўлган диссонанс ҳодисаларидир.

9. Бадий асарлар таржимасида когнитив диссонанс ҳодисаси ва рецепторнинг когнитив диссонанс ҳолатини бартараф этиш мақсадида қуйидаги тамойиллар ишлаб чиқилди. Булар таржимоннинг аслиятдаги имплицит (яширин) ахборотни эксплицит (очик) ахборотга айлантириши; адиб ва асарни танлаш маҳорати; фразеологик бирликларни таржимада адекват берилиши; миллий-маданий сўзларнинг икки тилли таржима луғатларини яратиш каби тамойиллар. Реалияларни беришда эса энг қулай йўл бу – транслитерация, изоҳлаш ва тасвирий таржима усуллари эканлиги исботланди.

10. Бадий таржимада когнитив диссонансни камайтириш, бартараф этиш ва адекват таржимага эришиш ҳар бир тилда миллий-маданий сўзларнинг таржима луғатлари мавжудлиги билан белгиланади. Бундай луғатлар яратиш қуйидаги: 1) таҳлилий-назарий босқич; 2) амалий босқич;

3) техник босқич; 4) тажриба- синов босқичларга асосланди.

11. “Миллий-маданий сўзларнинг аудиовизуал луғати”нинг таркибий қурилмаси қуйидаги тамойилларга асосланиб яратилди:

- ўзбек миллий маданиятига хос сўзлар маъно-моҳиятига кўра гуруҳланди;

- миллий-маданий компонентли сўзлар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг этимологик луғати”, тарихий ҳамда маҳаллий манбалар асосида шарҳланди;

- миллий-маданий сўзлар француз тилига таржима қилинди;

- миллий-маданий сўзлар транскрипция ва транслитерация орқали берилди;

- сўз шарҳига аниқлик киритиш, тасаввур қилиш мақсадида луғатда уларнинг рангли тасвирий ифодаси жойлаштирилди;

- сўзларнинг грамматик (род ва сон) категориялари берилди;

- ҳар бир сўз махсус тугмалар ёрдамида овозлаштирилди.

12. Келажакда миллий-маданий сўзларнинг икки ва кўп тилли таржима луғатларига маданий ахборотларни киритиш бўйича қуйидаги тематик қатлам ишлаб чиқилди: миллий ва маҳаллий қўшиқлар; миллий ва маҳаллий рақслар; миллий ва маҳаллий таомлар; миллий ва маҳаллий маросимлар; фауна, флора; рамз, ранг ва сонлар.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.27.06.2017. Fil.21.01. ON AWARD OF
SCIENTIFIC DEGREE OF DOCTOR OF SCIENCES AT
TASHKENT STATE INSTITUTE OF ORIENTAL STUDIES,
UZBEKISTAN STATE WORLD LANGUAGES UNIVERSITY, AND
NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN**

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

SHIRINOVA RAIMA HAKIMOVNA

**REPRESENTATION OF THE NATIONAL PICTURE OF THE WORLD IN
LITERARY TRANSLATION**

**10.00.06 – Comparative Study of Literature, Comparative Linguistics, and
Translation Studies
(philological sciences)**

**ABSTRACT OF DOCTORAL DISSERTATION (DSs) IN
PHILOLOGICAL SCIENCES**

Tashkent – 2017

The theme of doctoral dissertation is registered in the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, number B2017.1.DSc/Fil46

The doctoral dissertation was carried out at the National University of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation in three languages (Uzbek, English, and Russian (resume)) is placed on the website of scientific Council (www.tashgiv.uz) and informational-educational portal "Ziyonet" (www.ziyonet.uz)

Official opponents:

Dadaboyev KhamidullaAripovich
Doctor of Philological Sciences, Professor

Kholbekov Muhammad Nurkasimovich
Doctor of Philological Sciences, Professor

Nosirov AbdurahimAbdimutalipovich
Doctor of Philological Sciences

Leading organization: **Bukhara State University**

The defense of the dissertation will take place on _____ at _____ at the session of Scientific Council 27.06.2017.Fil.21.01 at Tashkent State Institute of Oriental Studies, Uzbekistan State World Languages University, National University of Uzbekistan (Address: 16, Shahrizabz Str., Tashkent city, Uzbekistan, 100047, Ph: (99871) 233-45-21; fax: (99871) 233-52-24; e-mail: shark_ilmiy@mail.ru)

The doctoral dissertation can be familiarized with at the Informational Resource Centre of Tashkent State Institute of Oriental Studies (registration № _____) (Address: 16, Shahrizabz Str., Tashkent city, Uzbekistan, 100047, Ph: (99871) 233-45-21)

The abstract of the dissertation is distributed on _____ 2017
(Mailing report № __ dated _____ 2017)

A.M.Mannonov
Chairman of the Doctoral Degree
awarding Scientific Council,
Doctor of Philological Sciences,
Professor

K.Sh.Omonov
Scientific Secretary of the Doctoral Degree
awarding Scientific Council,
Doctor of Philological Sciences

G.Kh.Bakiyeva
Chairman of the Scientific
Seminar under the Doctoral Degree
awarding Scientific Council,
Doctor of Philological Sciences,
Professor

INTRODUCTION (annotation of doctoral dissertation)

The urgency and relevance of the theme of the dissertation. Scientific researches aimed at deep understanding of national values, traditions, customs, history and culture of peoples on the base of belles-lettres works, as well as revelation of universal and differential categories of culture present a vital importance for modern translatology. Comprehensive analysis of the translations of belles-lettres texts from Uzbek language and backwards, revelation of humanistic, spiritual, and cultural values of the peoples, as well as comparative study of national-cultural specificity of each language is one of the priority objectives of philological studies.

During the years of independence in our country, a special attention is paid to the culture, art, and literature. In particular, the interest to the familiarization with the best samples of world literature through direct translation into Uzbek language has risen; as well as scientific-theoretical and comparative-typological researches in this sphere increased. It is also worth mentioning that the quality of such researches rose and the increasing dynamics of application the results of the research into practical spheres is observed. As one of the priority directions of the Strategy of actions for further development of Uzbekistan it is considered “the stimulation of scientific-research and innovative activity, creation of effective mechanisms of application of scientific and innovative achievements into practice, foundation of scientific-experimental specialized laboratories, centers of high technologies, and techno parks under the higher educational establishments in the republic”¹ that opens up possibilities for broadening of scientific researches and extension of scientific results in the sphere of translatology.

A special attention of translation schools in the scientific world is paid to the researches related to the national picture of the world and to the problems of its representation in translation. We observe that realia, phraseological units, and paremias in works translated during the years of independence from Uzbek language into French have been rendered in the language of translation inadequately, omitted or expressed through Russian transliteration. This, in its turn, can lead to a distorted view of any reader about Uzbek thinking, their worldview or depict the incomplete picture of Uzbek mentality. To solve these problems, it is necessary to increase the amount of researches devoted to the study of translated works, to determine the level of their quality and to solve lexicographic problems; as well as detailed analysis of each translation is essential. The need for a thorough and scientifically substantiated discussion of such important problems determines the relevance of the topic of this study.

The present scientific study serves to a certain degree to achieve the objectives set out in the following legal documents: the Law of the Republic of Uzbekistan “About State Youth Policy” from February, 14 2016; the Decree of the President PF-4947 “the Strategy of actions for further development of the Republic

¹The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan PF-4947 “The Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan” from February, 7 2017 // Народное слово, 2017. February, 8. №28 (6722).

of Uzbekistan” from February, 7 2017; the Resolution PP-2789 “On the measures of further development of Academy of Sciences, organization, management, and financing of scientific-research activity” from February, 17 2017; the Resolution PP-2894 “On the foundation of the alley of literati at the National park of Uzbekistan named after Alisher Navoi” from April. 18 2017; and some others related to this sphere.

Relevance of the research to the priority areas of science and developing technology of the republic. The present thesis is implemented in accordance with the priority direction of development of science and technology in the Republic of Uzbekistan I. “Formation of the structure of innovative ideas in social, legal, economic, cultural, spiritual-enlightened development of democratic society and informatization of society”.

Review of international research on the topic of dissertation.¹ Scientific research in the field of reconstruction of the national picture of the world in the translation, the phenomenon of cognitive dissonance in ensuring the adequacy of translation and lexicographical problems of translation are maintained in such prestigious research centers and leading universities of the world as, Université de Nanterre, Université Blaise Pascal, Université de Nancy 2, Université de Caen, Université de Rouen; Université de Tours (France) Université de Namur (Belgium), Université de Montréal (Canada), National University of Seul (SouthKorea), Moscow State University, Tambov State University, Voronezh State University, Kuban State University, Saint Petersburg State University, Novosibirsk State University (Russia), the National University of Uzbekistan, Uzbek State University of world languages, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi.

As a result of studies of linguistic factors influencing on the national picture of the world in translation, conducted by world scientists, the following results were obtained: the degree of appropriateness of the translation of Breton proverbs was determined (Université de Montréal, Canada); the reflection of the national picture of the world in metaphors was proved (Université de Tours, France); the degree of the adequacy of rendering linguoculturemes in translation of modern novels was evaluated (Université de Namur, France); the role of linguocultural dictionaries in ensuring the adequacy of translations (Université de Caen, France); national-cultural peculiarities of proverbs were revealed (Université Blaise Pascal, France); the condition of cognitive dissonance in the process of evaluation of the adequacy of translation was studied (Tomsk State University, Russia); the problem of cognitive dissonance in the translation of film materials was proved (Université Paris 10-Nanterre); the ways of expressing linguistic-cultural problems in the process of translation (on the material of English, German and Russian languages) were identified (Moscow State Linguistic University, Russia); the role of translator’s skills in the process of representation of the national picture of the world in translation of Russian and Vietnamese paremias was proved (Voronezh

¹The review is done in accordance with www.ox.ac.uk; disu.edu.ph; www.asu.edu.ru. www.univ-paris.fr; www.univ-rouen.fr; www.univ-denancy2; www.univ-dealicante.fr; www.severinehalimi.free.fr; wwwnsu.ru; www.nuuz, and some others.

State University, Russia); the national picture of the world was highlighted as a linguistic representation in literary translation (Kuban State University, Russia); the necessity to include linguistic and cultural information into the dictionary articles in bilingual translation dictionaries was proved (St. Petersburg State University, Russia).

At the moment, Uzbek translation studies face a number of problems which require urgent solutions connected with representation of the national picture of the world in translation of belles-lettres texts, such as ensuring the adequacy of translated works, determining the causes of inadequate translation, and developing the ways to correct possible mistakes; a comparative analysis of the rendering linguistic factors in the national picture of the world, that are, realias (non-equivalent lexis), proverbs, phraseological units, etc., and analysis of the reasons for the occurrence of cognitive dissonance in the translation as well as elaboration of the principles for neutralization of this phenomenon; justification of the necessity for deployment of foreign practice of compiling national-cultural dictionaries to ensure the adequacy of the translation and, on the basis of this, development of practical recommendations for the compilation of Uzbek-French visual and audio-visual dictionaries.

The degree of study of the problem. The problem of the national picture of the world in translation and its theoretical interpretation is found in the scientific works of such foreign scientists as G.D.Voskoboinik, Ya.S.Kimishnikov, Yu.A. Karaseva, O.A.Kornilov, E.P.Chakalova, H.K.Nguyen, Zh.Mounin, I.Collombat, K.Skilbred, A.Wozniak, D.Rînciog¹. Problems of rendering such language units that reflect the national picture of the world as realias (non-equivalent lexis), proverbs and sayings, phraseological units have been studied in the works of such scientists as I.A. Kashkin, S.Vlakhov, S.Florin, I.K.Mirzaev, R.Fayzullaeva, A.Narzkulov, G.Salomov, and some others². The problems of

¹See the original sources: Воскобойник Д.Г. Лингвофилософские основания общей когнитивной теории перевода. Автореф. дисс...док.филол.наук. – Иркутск, 2004; Кимишникова Я.С. Поэтический перевод в свете теории когнитивного диссонанса (на материале переводов стихотворения Р.Киплинга “If”) // Филология. Выпуск 37. – М., 2013; Карасева Ю.А. Художественный текст как источник национально-культурной информации и выразитель национальной ментальности. Автореф.дисс...канд.филол.наук – М., 2012; Корнилов О.А. Языковая картина мира как отражение национальных менталитетов. Автореф.дисс...канд.филол.наук. – М., 2000; Чакалова Э.П.Языковая репрезентация национальной картины мира в художественном тексте: на материале английского и русского языков. Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Краснодар, 2006; Нгуен Х.Н. Отражение национальной картины мира в русской паремииологии. Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Воронеж, 2011; Georges Mounin. Les problèmes théoriques de la traduction. –Paris: Edition Gallimard, 1963; Collombat I. Le discours imagé en vulgarisation scientifique: étude comparée du français et anglais, en ligne métaphorik. – Paris, 2003; Camille Skilbred. Le transfer du culture dans la traduction de Poisson d’or de Le Clézio. Thèse de doctorat. – Hosten, 2005; Andrey Wozniak. Peut-on traduire un proverbe. – Paris, 2012; Rînciog D. Histoire et mentalités dans d’oeuvres de Gustave Flaubert. – Paris, 2002. – P.45

²See the original sources: Кашкин И. Ложный принцип и неприемлемые результаты. – М., 1952; Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М., 1980; Нарзикулов А. Французская фразеология и вопросы француско-узбекского художественного перевода. Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Л., 1969; Мирзаев И. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни, на узбекский язык. Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Л., 1975; Саломов Г. Литературные традиции и проблемы художественного перевода (сопоставительный, стилистический и типологический аспекты). Дисс...канд.филол.наук. – Т., 1982; Холбеков М. Французская художественная литература в переводах на узбекский язык (история и переводческий опыт). Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Т., 1982; Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. –Т., 1979.

literary translation served as an object of study for many Uzbek specialists in the sphere of translation¹. Thus, M.Kholbekov comparatively studied the works of French writers translated into Uzbek language and thoroughly explored Uzbek-French literary connections². In the doctoral dissertation by G.Kh. Bakieva, the concept of a picture of the world, its meaning, and significance in the translation of literary texts were thoroughly studied³. Kh.K.Khamraev studied the reconstruction of the national coloring in translation of the novels by Oibek and A.Kakhhar into French⁴. U.S. Abidhodzhaeva studied in comparison national-pragmatic aspects of translation of phraseological units on the example of Uzbek and Russian languages,⁵ D.R.Dzhumanova analyzed national nature of realm in conditions of Russian-Uzbek linguistic contacts⁶.

